

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 8 май, № 91 (6274) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 2015 йил 8 май куни Москва шаҳрига ташриф буюради ва Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарларининг учрашувида иштирок этади.

### ЭЪТИРОФ

*Тошкент шаҳрида 22-23 апрель кунлари бўлиб ўтган* ***"Фуқароларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашда касаба уюшмаларининг роли: Ўзбекистон тажрибаси"*** *мавзуига бағишланган халқаро конференция хорижий давлатларнинг ижтимоий-сиёсий ва эксперт доиралари ўртасида катта қизиқиш уйғотгани баробарида, маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситаларида ҳам кенг ёритилди.*

## Ўзбекистоннинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги тажрибаси — жаҳон ҳамжамияти нигоҳида

Маълумки, ушбу халқаро тадбир юқори даражадаги, нуфузли эксперт ва мутахассисларни ўз атрофига жамлади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳар икки палатаси аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилоти, Касаба уюшмалари халқаро конфедерацияси, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг раҳбарлари, Германия, Дания, Грузия, Хитой, Қозоғистон, Литва, Молдова, Россия, Франциядан келган халқаро экспертлар иштирок этган ушбу анжуман барча давлатлар ва жамиятлар учун долзарб бўлган мавзуни муҳокама қилишга имкон берди. Қолаверса, мазкур конференция фуқароларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқларини таъминлаш бўйича Ўзбекистон тажрибаси билан дунё жамоатчилигини яқиндан ва самарали таништиришга шароит яратди.

Мазкур халқаро анжуман тараққиётнинг "ўзбек модели"га, унинг энг асосий тамойилларидан бири бўлган **кучли ижтимоий сиёсат юритиш**га нисбатан халқаро миқёсдаги қизиқишни кучайтирди ва у ўзининг катта акс садосини берди.

Мисол учун, ушбу халқаро конференция ва унинг якунлари тўғрисидаги ахборот **Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида ташкилотга аъзо 193 мамлакат ўртасида** тарқатилди. Миллатлар ҳамжамияти мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларида фуқароларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқлари муҳрлаб қўйилгани, улар меҳнат соҳасидаги халқаро меъёрларга тўла мос келиши, ёшлар ва аёллар бандлиги таъминланишидаги алоҳида имтиёз ҳамда кафолатлар, ишчилар учун муносиб меҳнат шароитларининг яратилгани, аёлларга бола парвариши учун қўшимча таътиллар берилиши, оналик билан боғлиқ турли ҳақ тўловлари ва аҳолининг ижтимоий ҳимояси юзасидан кўрилаётган бошқа чора-тадбирларга доир батафсил маълумотлар билан танишди.

(Давоми 2-бетда).

# ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОД

## мамлакатимиз изчил тараққиётининг муҳим таянчидир

*Мамлакат тараққиётида малакали кадрларнинг ўрни беқиёс. Шу боис истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва кўрсатмаси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида соҳага алоҳида эътибор қаратила бошланди. Хусусан, бири-биридан кўркам, замонавий таълим муассасалари қурилиб, фойдаланишга топширилди.*



### ТАЪЛИМ

Айни жараёнда олий таълим даргоҳларини сўнгги технологиялар асосида жиҳозлаш, ўқитиш сифатини янада оширишга қаратилган чора-тадбирлар туфайли соҳада аҳамияти беқиёс ижобий ўзгаришлар кўзга ташланди. Фикримизни Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ) фаолияти мисолида давом эттирсак. У Ўзбекистон Республикасида ахборот ва телекоммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрловчи етакчи маскан ҳисобланади. ТАТУ — замонавий типдаги, юқори илмий-педагогик салоҳият, таълим коммуникацияларининг кенг турлари, халқаро алоқаларнинг ривожланган тармоғи, жамиятда мутахассислар тайёрлаш даражаси бўйича юксак мавқега эга университетдир.

— Ахборот-коммуникация технологиялари жадал тараққий этиб бораётган бугунги кунда соҳага билимли, интеллектуал салоҳияти юқори кадрларни тайёрлаб бериш муҳим вазифа саналади, — дейди мазкур олий ўқув юрти ректори, иқтисод фанлари номзоди Ҳаким Муҳитдинов. — Шундан келиб чиқиб, Марказий Осиёда ягона бўлган ноёб ва кенг қамровли ўқув базасини эътиборга олиб, таълим масканимизда бакалавриат, магистратура ҳамда докторантура йўналиши бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 26 мартдаги ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид қарори муҳим аҳамият касб этаётир.

Айни пайтда Қарши, Нукус, Самарқанд, Урганч ва Фарғонада филиаллари мавжуд бўлган ўқув даргоҳида бакалаврларни ўқитишнинг 15 йўналиши модернизация қилиниб, саккиз янги йўналишга айлантирилди. Компьютер инжиниринги, дастурий инжиниринг, телекоммуникация технологиялари, телевизион технологиялар, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими, иқтисодиёт ва менежмент, ахборотлаштириш ва кутубхоначилик, почта алоқаси технологиялари йўналишлари ана шулар жумласидандир. Магистратура босқичида эса "Электрон ҳукумат тизимини бошқариш" ҳамда "Электрон кутубхона ва архивлар" каби мутахассисликлар ташкил этилди. Шу тариқа эндиликда университетда иқтисодиётнинг барча тармоғи бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Албатта, таълим даргоҳида талабаларга фанларни ўқитишда, аввало, давр талабларидан келиб чиқиб, қайси йўналишлар муҳимлиги инобатга олинаяпти. Шу нуқтаи назардан ҳозиргача бу ерда таълим жараёнига киритилган фанлар сони 115 тага етди. Қолаверса, АКТ соҳасида таҳсил олаётган йигит-қизлар бугунги кунда элликдан зиёд фанни инглиз тилида ўқишаётгани ҳам алоҳида диққатга сазовордир.

(Давоми 2-бетда).

# Инсон қадри улуғланган юрт



*Бу йил 92-баҳорни қаршиладим. Дилимда жуда кўп гапларим бор. Уларни қоғозга туширишга неварам ёрдам берди, таҳририятга жўнатаяпмиз. Маъқул келиб, газетангизда чоп этсангиз, кўнглим тоғдек кўтариларди...*

### ЖАСОРАТ, БУРЧ, МАТОНАТ

Ажойиб юртда, тинчлик-омонликда яшаяпмиз. Кўз тегмасин, бунга ҳар қанча шукрона қилсак арзийди. Аввало, инсон қадри улуғ. Давлатимиз кексаю ёшга бирдек эътиборда. Ёшлар учун чиройли мактаблар, лицей ва коллежлар, спорт мажмуалари қурилган. Болажонларнинг, йигит-қизларнинг юриш-туриши, одобини айтмайсизми?! Ҳавасингиз келади.

Биз, кексалар роҳат-фароғатда яшашимиз учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. Қаерга бормайлик, давраларнинг тўридамиз, маҳалла-кўй, қўни-қўшни яхши кунларига таклиф этади. Бундай иззат-икромдан ўзингни худди яна яшариб бораётгандек ҳис қиларкансан. Дарвоқе, баъзида мендан "Неччига кирдингиз?" деб сўраб қолишади. Шунда мустақиллигимиз ёшини айтаман. Жавобимни эшитганлар мийиғида кулиб, уни ҳазил сифатида қабул қилишади. Лекин аслида ҳам бежиз бундай демайман. Биз айнан истиқлол туфайли гўё қайтадан туғилдик, қадр, эътибор, эҳтиром тушунчаларини дилдан ҳис қилдик. Бугун бахтли ва фаровон ҳаёт кечираяпмиз. Мана, ҳар йили Хотира ва Қадрлаш куни юртимизда катта байрам сифатида нишонланади. Ушбу қутлуғ санада бизларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиб, ўтганлар руҳи хотирланади. Бу гал Президентимиз Фармонига биноан "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали ҳамда пул мукофоти билан тақдирландик. Бундан жуда хурсандмиз.

(Давоми 2-бетда).

# Парламентда учрашувлар

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатида Европа парламентининг Марказий Осиё мамлакатлари ва Мўғулистон билан алоқалар бўйича делегацияси раиси И. Григуле билан учрашув бўлиб ўтди.*

### ҲАМКОРЛИК

Учрашувларда Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Хусусан, 1996 йил июнь ойида Ўзбекистон Республикаси билан Европа ҳамжамияти ва уларга аъзо давлатлар ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим имзолангани ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда парламентлараро алоқаларнинг изчил мустаҳкамланиб бораётгани икки томонлама сиёсий мулоқотларни ривожлантиришнинг муҳим омили бўлмоқда. Турли соҳаларда ҳамкорликнинг жорий ҳолатини мунтазам муҳокама қилиш ҳамда уларни янада ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш, долзарб масалалар бўйича ўзаро фикр алмашиш учун барча шарт-шароит яратилган.

И. Григуле Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги анъанавий дўстлик ҳамда ишончга асосланган муносабатларни юксак қадрлашини таъкидлаб, Ўзбекистон билан алоқаларнинг янада ривожланишига ишонч билдирди.

Парламент аъзолари парламентлараро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, қонун ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш масалаларини муҳокама қилдилар.

Европа парламентининг Марказий Осиё мамлакатлари ва Мўғулистон билан алоқалар бўйича делегацияси раиси И. Григуле Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам учрашув ўтказди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

# Самарали фаолиятга муносиб баҳо

*Фаолияти давомида катта ютуқларга эришиб, шу орқали аҳоли фаровонлигига муносиб ҳисса қўшаётган ишбилармон юртдошларимизни рағбатлантиришда Президент соврини учун ўтказиб келинаётган анъанавий "Ташаббус" кўрик-танлови муҳим аҳамият касб этмоқда.*

### «ТАШАББУС — 2015»

Мазкур тадбирнинг Хоразм вилояти босқичида ҳам ана шу жиҳатлар яна бир бор намоён бўлди. Унда 52 нафар тадбиркор, фермер ва ҳунарманд қатнашди.

Иштирокчилар фаолиятини баҳолашда улар яратган қўшимча иш ўринлари, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш борасидаги муваффақиятларига алоҳида эътибор қаратилди.

Якунда Урганч шаҳридаги "Урганч бахмал" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Баҳодир Аҳмедов "Энг яхши тадбиркор", Боғот туманидаги "Боғот" фермер хўжалиги раҳбари Шарифбой Ражабов "Энг яхши фермер", Янгиариқ туманилик Алланазар Саъдуллаев эса "Энг яхши ҳунарманд" йўналишларида ғолиб, деб топилди.

* * *

"Ташаббус — 2015"нинг Сирдарё вилояти босқичи ҳам юқори савияда ўтказилди. Унда тадбиркорлар, кўп тармоқли фермер хўжаликлари ҳамда моҳир ҳунармандлар ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар кўргазмасини ташкил қилдилар.

(Давоми 2-бетда).

### БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Жорий йилнинг уч ойида мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми

**7,9**

**фоиз ўсди.**



*Саноат ишлаб чиқаришини таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, унинг муҳим тармоқларини ривожлантириш бўйича белгилаб олинган устувор вазифаларнинг изчил ижроси туфайли соҳада ана шундай барқарор ўсиш суръатлари таъминланди.*

# Ўзбекистоннинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги тажрибаси — жаҳон ҳамжамияти нигоҳида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу билан бирга, мазкур конференция якунлари тўғрисидаги материаллар **Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 57 та иштирокчи давлати, ЕХҲТ институтлари ва дала миссиялари,** шунингдек, **Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси** ва **МДҲга аъзо мамлакатлар ўртасида** ҳам тарқатилди.

Тошкент халқаро форуми мавзуига нисбатан қатта қизиқиш ва эътиборни **чет элларнинг оммавий ахборот воситаларида** ҳам кузатиш мумкин. Масалан, Латвиянинг **“Baltic News Service” (BNS) янгиликлар порталида** чоп этилган ушбу конференция ҳақидаги мақолада Ўзбекистон касаба уюшмалари фуқароларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқларини таъминлаш йўлидаги вазифаларини адо этиш билан боғлиқ батафсил маълумотлар анжуман иштирокчилари эътиборига ҳавола этилгани хусусида сўз боради.

BNS мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсат олиб борилаётгани туфайли ходимлар ва улар оила аъзоларининг манфаатлари ҳамда меҳнат ҳуқуқларини ижтимоий ҳимоя қилишнинг самарали механизмлари яратилгани билан ўз ўқувчиларини таништиради. “Мамлакатда 2014 — 2016 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича Ўзбекистон ҳукумати, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси ўртасида тузилган Бош келишув амал қилмоқда”, деб ёзади “Baltic News Service”. Ушбу ҳужжат ходимларнинг турли тоифалари учун муносиб меҳнат шароитлари яратилишини таъминловчи мажмуавий чора-тадбирлар амалга оширилишини кўзда тутади. Ҳужжат орқали мамлакатимизда 90 та тармоқ, 14 та ҳудудий келишув, бевосита корхона, ташкилот ва муассасаларда эса 100 мингдан ортиқ жамоа шартномалари амал қилмоқда. Барча жамоа-шартномавий ҳужжатларда муносиб меҳнатнинг расмий бандликка кўмаклашиш, муносиб иш ҳақи тўлаш, меҳнат муҳофазаси ҳамда хавфсизлиги, ходимларнинг ҳуқуқий, ижтимоий ҳимояси, хотин-қизлар ва ёшлар учун имтиёзлар, Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларига риоя этиш каби таркибий қисмлари аниқ белгилаб қўйилган.

**Ҳиндистоннинг “Sarkaritel” ва “Diplomacy India” ахборот-таҳлил порталлари** ўз ўқувчилари эътиборига Ўзбекистонда давлат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида конструктив ижтимоий мулоқот йўлга қўйилгани ходимлар ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилаётгани хусусида хорижий экспертлар ҳамжамияти вакиллари томонидан билдирилган фикр-мулоҳаза ва баҳоларни ҳавола қилган. Мазкур оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда меҳнат соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш борасида бой тажриба тўплангани, ходимларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш учун касаба уюшмаларига кенг ваколатлар берилгани ва бундай имкониятлар самараларига эътибор қаратишган.

Конференция якунлари ҳақида тўхталар экан, **“Sarkaritel”** қуйидагиларни ёзади:

“Халқаро ташкилотлар, хориж касаба уюшмалари вакиллари ва чет эллик мутахассислар фуқароларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш бўйича Ўзбекистон тажрибасини юқори баҳолашди. Хусусан, республикада бандлик имкониятларини кенгайтиришда ва даромад олишда, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий мулоқотни мустаҳкамлаш тизимларини такомиллаштиришда юқори натижаларга эришилгани алоҳида қайд этилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда меҳнат қонунчилиги ва фуқароларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқлари халқаро меъёрларга тўла мос, кўплаб масалаларда эса улардан устунликка эгадир. Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқи ва муносиб меҳнат ҳақига бўлган ҳуқуқи тўла таъминланган.

Корхоналарда, ташкилот ва муассасаларда касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида имзоланадиган жамоа шартномалари асосида бандликка кўмаклашиш, ташкил этилаётган янги иш жойларида қулай ҳамда хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш, ходимларнинг муносиб меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқларини таъминлаш, уларга қўшимча имтиёз ва кафолатлар бериш, кадрларни қайта тайёрлаш бўйича иш олиб борилмоқда”.

**Халқаро меҳнат ташкилоти бош мутахассиси Сергеюс Гловацкас** билдирган фикрларни келтирар экан, портал мазкур конференция Ўзбекистон ва Халқаро меҳнат ташкилотининг ўтган йиллар давомидаги қизғин қўшма ишларига мантиқий якун ясаганини қайд этади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ва Халқаро меҳнат ташкилоти ўртасида 2014 — 2016 йиллар учун Муносиб меҳнат дастури қабул қилинганлиги муҳим воқеа бўлди. “Ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришга йўналтирилган турли қўшма лойиҳаларни амалга оширишда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси билан фаол ҳамкорлик давом этади. Бу, энг аввало, Муносиб меҳнат дастурини ҳаётга татбиқ этиш бўлади”, деб ёзади “Sarkaritel”.

Ўз навбатида, “Diplomacy India” портали **Халқаро меҳнат ташкилотининг ходимлар фаолияти бўйича Европа бўлими бюросининг катта мутахассиси Вольфганг Люттербах**нинг фуқароларда меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқлар кафолатларини таъминлаш бўйича Ўзбекистон тажрибаси қизиқарли ва ўрганишга арзиши бўйича билдирган фикрларини келтиради.

“Мамлакатда 2014 — 2016 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича Ўзбекистон ҳукумати, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва Савдо-саноат палатаси ўртасида тузилган Бош келишувда фойдали жиҳатлар кўп. Ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатлар регламентлаштириб қўйилган, локал ҳужжатларнинг амалга оширилиши бўйича эса самарали ва шаффоф жамоатчилик назорати механизмлари шакллантирилган. Бундай ижтимоий мулоқот тегишли масалаларни ижобий ва самарали ҳал қилиш имконини беради”.

**<u>Конференциянинг хорижлик иштирокчилари</u>** томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳам Ўзбекистонда бу йўналишда кўрилаётган чора-тадбирларнинг ҳаққонийлиги ва аҳамиятлилигидан далолат беради.

Жумладан, **Халқаро касаба уюшмалари Конфедерацияси Бош котибининг биринчи ўринбосари Яп Винен** мамлакатимизнинг бу соҳада қўлга киритган муваффақиятларига юқори баҳо берар экан, Халқаро касаба уюшмалари Конфедерациясининг Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси билан сермаҳсул ҳамкорлиги янада кенгайишига умид билдирди.

“Бундай сермаҳсул алоқалар натижасида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг Халқаро касаба уюшмалари Конфедерациясига аъзо бўлишига умид қиламан, чунки бу икки тизимни умумий мақсад бирлаштириб туради — аҳолининг меҳнат қиладиган қисми ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш”, дея таъкидлади эксперт.

Ўз навбатида, **Франция Меҳнат умумконфедерацияси** вакили Пьер Кутаз Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатидаги юқори даражадаги аъзоликка, уларнинг сони 6 миллиондан ошишига эътиборини қаратди. “Францияда касаба уюшмаларига аъзоликнинг даражаси бундай катта эмас, — деди у интервью чоғида. — Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясидек шундай катта жамоат ташкилотини аёл бошқараётгани ҳам эътиборга моликдир. Франция Меҳнат умумконфедерацияси бир асрдан зиёд давр давомида мамлакат меҳнат кишиларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган энг кўҳна ташкилотлардан бири бўлишига қарамасдан биз бунга эришолганимиз йўқ.

Шуниси жуда муҳимки, Ўзбекистон ёшларни қўллаб-қувватлашни ўз сиёсатининг асосий устуворликларидан бири, деб эълон қилган. Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан бу нозик гуруҳига алоҳида эътибор қаратилиши, ходимларнинг бандлигига кўмаклашиш, уларга муносиб меҳнат ҳақи тўланиши, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси таъминланиши, улар учун имтиёзлар берилиши зарур”.

Шу тариқа Ўзбекистоннинг ижтимоий меҳнат соҳасидаги тажрибасига нисбатан халқаро ҳамжамият томонидан бўлаётган қизиқишнинг сабаби республикамизнинг бу борада қўлга киритган юксак муваффақиятлари билан изоҳланишини Тошкент конференцияси якунлари яна бир бор тасдиқлади. Шунингдек, ушбу анжуманнинг якунлари жаҳондаги энг илғор тажрибани ўрганиш, шу жумладан, хорижлик шериклар билан ҳамкорликни ривожлантириш воситасида ўзаро меҳнат муносабатларини янада такомиллаштириш ишига кўмаклашади.

**«Жаҳон» АА.**

# Инсон қадри улуғланган юрт

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Турмуш ўртоғим билан етти фарзандни эл-юрт корига ярайдиган инсонлар этиб тарбияладик. Ҳозир невара ва эвараларим ардоғидамиз.

Ғайратим ҳеч қўймайди. Кўчаларимиздаги ўзгаришларни ўз кўзим билан бориб кўрсам, дейман. Мана, яқинда Термизни айландик. Гўзал бино ва иншоотлар, кўм-кўк майсазорларни кўриб, фаввораларнинг шовуллаб турган овозидан руҳим енгил тортди. Ён-атрофдаги янгиланишлардан ҳайратландим.

Албатта, буларнинг барчаси — истиқлолимиз, тинч ва осуда ҳаётимиз меваси. Бундай ёруғ кунлар ўз-ўзидан келгани йўқ! Шу боис Президентимиз ҳар бир чиқишида тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиш керак, дейдилар. Ёш авлод тарихни чуқур ўрганиши, бу кунларга осонлик билан эришилмаганлигини тушуниб етиши зарур, деб уқтирадилар. Ҳар гал бу гапларни эшитиб, жуда таъсирланиб кетаман. Ахир ўз ўтмишини билган халқнинг эртаси ёруғ бўлади-да. Бундай элнинг фарзандлари кексаларига ҳурмат, кичикларига иззат кўрсатади.

**Хўжаёр ЭЛМУРОДОВ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.**
Шўрчи тумани

# Самарали фаолиятга муносиб баҳо

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳакамлар белгиланган талаблар асосида иштирокчилар фаолиятини баҳолади. Уларнинг хулосасига кўра, Оқолтин туманидаги “Сардобатекстиль” қўшма корхонаси раҳбари Толибжон Раҳимов “Энг яхши тадбиркор”, Гулистон туманидаги “Орол неъматлари” фермер хўжалиги раҳбари Баҳодир Бегматов “Энг яхши фермер”, Оқолтин туманилик Маҳлиё Мамарозиқова “Энг яхши ҳунарманд” йўналишлари бўйича биринчи ўринни эгаллади.

— Хўжалигимиз кўп тармоқли бўлиб, чорвачилик, гўштни қайта ишлаш, савдо, боғдорчилик каби йўналишларда фаолият кўрсатади, — дейди танлов ғолибларидан бири Баҳодир Бегматов. — Ўтган йили ички бозорга 500 тоннадан ортиқ гўшт маҳсулотлари етказиб бердик. Ушбу танловда кўплаб ҳамкасбларимиз эришган ютуқлар билан яқиндан танишдик. Улар билан ўзаро тажриба алмашилди.

Тадбир якунида ғолиб ва совриндорлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Энди улар танловнинг республика босқичида иштирок этади.

**Ойбек РАҲИМОВ, Абдураҳмон МУСТАФОҚУЛОВ.**

# Қисқа сатрларда

**● Нукусда баркамол авлод шаклланишида миллий ва маънавий қадриятларнинг ўрни масаласига бағишланган семинар ўтказилди. Тадбир доирасида уюштирилган “Инсон — азиз, Ватан — муқаддас” деб номланган кўргазмада миллий либослар ва таомлар, тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, ҳар бир халқнинг миллий маданиятини акс эттирувчи тасвирий санъат асарлари намойиш этилди.**

● Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида “Хонобод тароватι” ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Унда миллий ўйинлар мусобақаси, дорбозларнинг чиқишлари, миллий либослар, ҳунармандлик маҳсулотлари кўргазмаси, аскиячи ва қизиқчилар кўрик-танлови ҳамда ошпазлар баҳси ҳам ташкил қилинди.

**● Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика ва ижтимоий фанлар факультетларининг янги ўқув корпуси фойдаланишга топширилди.**

● Самарқанд шаҳридаги 8-оилавий поликлиника янги бинода фаолият кўрсата бошлади. Умумий қиймати 1 миллиард 115 миллион сўмлик қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилган поликлиникада ҳар бир мутахассислик бўйича махсус хоналар ташкил этилди. Қарийб юз миллион сўмлик замонавий тиббий асбоб-ускуналар ва мебеллар билан таъминланди.

*«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.*

# ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОД

## мамлакатимиз изчил тараққиётининг муҳим таянчидир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тошкент ахборот технологиялари университети Европа ва Осиёдаги етакчи олий таълим муассасалари, илмий тадқиқот марказлари, нуфузли ташкилот ҳамда компаниялар билан ҳамкорлик ўрнатган. Ўзаро муносабатлар натижасида биргина ўтган йилнинг ўзида университет ва унинг филиалларидан бир гуруҳ профессор-ўқитувчилар Корея Республикаси, Ҳиндистон, Франция, Германия ва бошқа давлатларнинг нуфузли олий таълим муассасалари, ўқув марказларида компьютер ва дастурий инжиниринг, ахборот хавфсизлиги ҳамда телекоммуникация йўналишида малака оширишди. Ҳозирги кунда ТАТУнинг 20 нафар бакалаври, 22 нафар магистри ва 9 нафар докторанти хорижий университетларда таҳсил олаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

— Таълим масканимизда машғулотларни замонавий стандартлар асосида олиб бориш учун мультимедиа ва компьютер ўқув хоналари, “Ўзбектелеком” АК, “ZTE”, “Huawei” ва бошқа етакчи компанияларнинг ўқув лабораториялари, хорижий давлатлар ҳамкорлигида марказлар ташкил қилинган, — дейди ТАТУ маркетинг хизмати бўлими бошлиғи Акбар Нормуродов. — Улар фаолияти халқаро миқёсда ҳам алоҳида эътироф этилаяпти. Хусусан, университетимиздаги Ўзбекистон — Корея ахборот алмашиш маркази 2014 йилда дунёнинг 40 га яқин мамлакатидаги шундай ахборот алмашиш марказлари орасида “Энг фаол” деб топилди ва Корея Республикаси ҳукумати томонидан ажратилган, моддий-техник базасини янгилаш, фаолиятини янада кенгайтириш ва ривожлантириш имкониятини берувчи молиявий маблағни қўлга киритди.

Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда унинг ҳудудий филиалларида иқтидорли талабалар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилади. Таълим-тарбия жараёнида талабаларнинг фаоллигини ошириш ва уларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, иқтидорли ёшларни рағбатлантиришга қаратилган дастур ишлаб чиқилган.

Шу маънода, ҳар йили университет миқёсида талабалар ва ёш олимларнинг ихтироларига бағишланган кўргазмани ташкил этиш ҳам яхши анъанага айланган. Мазкур тадбирларда ёшлар янги ғоялар асосида яратган ишланмаларини малакали мутахассислар, олимлар эътиборига ҳавола қилишади. Яқинда бўлиб ўтган кўргазмада иқтидорли талабаларнинг лойиҳалари қатор номинацияларда муносиб эътироф этилди. Масалан, “Энг яхши мобиль илова” йўналишида талаба Ш. Тоғаевнинг “Obida android” иловаси, “Энг яхши Windows илова” номинациясида Х. Убайдуллаевнинг “e-Lug‘at” электрон луғат дастури ҳамда “Энг яхши техник ишланма”да Ш. Бегматовнинг “Лабиринт” ва “Android автомобиль” дастурлари ғолибликни қўлга киритди. Тадбирда университетнинг телекоммуникация технологиялари факультети магистранти Икром Пармонов яратган “ТАТУ роботи” деб ном олган масофадан бошқариладиган ноёб қурилма барчада қизиқиш уйғотди.

— Бу робот юриш, бурилиш, гапириш, ҳаттоки рақсга тушиш қобилиятига эга, — дейди ёш кашфиётчи. — У “Arduino” дастурланадиган аппарат платформасида ишлайди. Масофали бошқарув “Android” тизимидаги “Wi-Fi” орқали амалга оширилади. Яъни роботни мобиль телефон ёрдамида ҳам бошқариш мумкин. Келгусида бу қурилма турли саволларга жавоб берадиган, қўшиқ айтадиган хусусиятлар билан такомиллаштирилади.

Олий таълим муассасидаги шарт-шароит ҳамда талабаларга қаратилаётган эътибордан амин бўлдикки, юртимизда ёшларнинг пухта билим олиши ва малакали кадр бўлиб шаклланиши учун етарли имкониятлар мавжуд. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг энг ривожланган давлатлар қаторига чиқиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ифодасидир.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**



Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.

# Хизмат кўрсатиш сифати такомиллаштирилмоқда

*Тошкент шаҳар ҳокимлигида аҳолини электр энергияси билан таъминлаш ва ундан оқилона фойдаланиш борасида олиб борилаётган ишлар муҳокамасига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.*

ИЗЛАНИШ

Қайд этилганидек, пойтахтимиз иқтисодиётининг жадал ривожланаётгани, саноат корхоналари сони кўпайиб бораётгани туфайли энергия истеъмоли ҳажми йилдан-йилга ортаяпти. Бу эса, ўз навбатида, шаҳарнинг мазкур ресурс таъминоти тармоғини мунтазам ривожлантириш, линияларнинг узатувчанлик имкониятини кучайтиришни талаб этади. Шунга кўра, “Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси” АЖ ва унинг жойлардаги бўлимларида электр энергиясини етказиб бериш хизмати сифатли ташкил этилган.

Замонавий ахборот технологиялари ҳаётимизнинг барча жабҳаси, жумладан, энергия таъминоти соҳасига ҳам фаол жорий қилинмоқда. Хусусан, корхона томонидан ўрнатилган электр ҳисоблагичлар истеъмолчиларга қулайлик яратмоқда.

Тадбирда, шунингдек, тизим афзалликлари, электр энергияси таъминоти барқарорлигини кафолатлаш чора-тадбирлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

**Азамат ЖЎРАЕВ.**

# «Ўзбекистоннинг етти мўъжизаси»

## Шу номда ўтказилаётган акция кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

*Юртимиз сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторида туради. Уларнинг ҳар бири ҳамиша дунё аҳлини ўзига ром этиб келган. Хусусан, Самарқанддаги Регистон мажмуаси, Улуғбек расадхонаси, Бухоронинг кўҳна Арк қалъаси, Сомонийлар мақбараси, Хиванинг Ичан-Қалъаси, Қаршининг Одина, Кўкгумбаз обидалари, Шаҳрисабзнинг Оқсарой маданий ёдгорлиги, Қўқон ўрдаси доимо сайёҳлар билан гавжум.*

АНЖУМАН

Мустақиллик йилларида Президентимиз ташаббуси билан Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Ҳазрати Имом сингари улуғ зотларнинг ёдгорлик мажмуалари барпо этилиб, буюк аждодларимиз, азиз авлиёларимиз хотирасига юксак эҳтиром кўрсатилди. Бугун ана шу мажмуалардан зиёратчилар қадами узилмайди. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

Қолаверса, қадимий қўлёзма китоблар табаррук заминимизда илм-фан, адабиёт, санъат гуллаб-яшнаганидан ҳикоя қилса, нақшинкор ўйма устунлар, меъморчилик ашёлари, либослар, турли зебу зийнатлар юртимизда ҳунармандчилик жадал ривожланганини яққол ифодалайди.

Халқимизнинг ана шундай бебаҳо мероси билан ёш авлодни кенгроқ таништириш уларнинг миллий анъана ҳамда қадриятларга ҳурмат руҳида камол топишларига, аждодларимизга муносиб бўлишга интилиш фазилатларини кучайтиришга хизмат қилади. Бунда замонавий алоқа тизимлари, хусусан, интернет имкониятидан унумли фойдаланиш ниҳоятда долзарбдир. Глобал тармоқда гўзал диёримиз тарихий-маданий ёдгорликлари ҳақида маълумотларнинг кўпайиши Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятини юксалтиришга ҳам салмоқли ҳисса бўлиб қўшилиши, шубҳасиз. Шуларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Uzinfocom маркази хайрли ташаббусга қўл урди. Гап шундаки, марказ томонидан “ZiyoNET” порталида “Ўзбекистоннинг маданий мероси” бўлими ташкил этилди. Унда юртимиз бой тарихи, тасвирий ва амалий санъат асарлари, замонавий бунёдкорлик иншоотлари, табаррук қадамжолар ҳақида маълумотлар уч тилда бериб борилади. Ушбу манбани янада бойитиш мақсадида “Ўзбекистоннинг етти мўъжизаси” акцияси эълон қилинди. У кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Акцияда барча иштирок этиши мумкин. Айтайлик, фойдаланувчилар ўз яшаш ҳудудига хос бўлган моддий ва номоддий мерос объектлари ҳақида маълумот, сурат ҳамда видеотасвирларни тармоқдаги “Янги объект таклиф қилиш” махсус шакли орқали жойлаштириш имкониятига эгалар. Таклиф этилган намуналар эса қатнашчилар ҳамда мутахассислар томонидан баҳоланади. Уч босқичдан иборат бўлган лойиҳа якунида энг кўп овоз олган еттита моддий ва номоддий мерос объекти “Ўзбекистоннинг етти мўъжизаси” сифатида танлаб олинади. Улар жорий йилнинг сентябрь ойида ўтказиладиган тантанали тадбирда маълум қилинади.

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон алоқа тарихи музейида ташкил этилган анжуманда ана шулар ҳақида батафсил ахборот берилди.

Тадбир доирасида “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида “Бобом, бувим — маҳалламиз фахри” мавзуида энг яхши иншолар танлови ҳам эълон қилинди.

**Фазлиддин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

*Қарши шаҳрида Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. Унда Қашқадарё, Тошкент, Навоий, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридан 290 га яқин саноат корхоналари ҳамда кичик бизнес субъектлари вакиллари 300 дан ортиқ турдаги маҳсулотларини намойиш қилдилар.*

# Ҳамкорлик учун қулай имконият



Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

— Мазкур тадбир ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлик субъектлари учун янги технологиялар, бутловчи қисмлар ҳамда хом ашё сотиб олиш бўйича ҳамкорлар топиш, улар билан йирик битимларни имзолаш ва ўз маҳсулотларини реализация қилишда кенг имкониятлар яратмоқда, — дейди вилоят иқтисодиёт бошқармасининг саноат ва коммуникацияларни ривожлантириш бўлими бошлиғи Нурмамат Қурбонов. — Қолаверса, ушбу ярмарка ҳудудимиз иқтисодиётининг муайян кўзгуси ҳамдир. Бир неча йиллар олдин пойабзал, кийим-кечакдан тортиб, оддий уй-рўзғор буюмларигача четдан келтириларди. Эндиликда эса бундай маҳсулотлар вилоятимизнинг ўзида ишлаб чиқарилаётир. Бу, албатта, ислоҳотлар самарасидир.

Айтиш жоизки, кўргазмада намойиш этилаётган замонавий техникалар, мебель жиҳозлари, қурилиш материаллари, полиэтилен қувурлар, кийим-кечак, парфюмерия, қандолат, озиқ-овқат товарлари бу ерга ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

— Оёқ кийимлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхонамизни ўтган йили ташкил этгандик, — дейди Қарши шаҳридаги "Фазлиддин келажак савдо" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Фазлиддин Муртозов. — Маҳсулотларимиз, асосан, маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётгани боис нархи қиммат эмас. Сифати эса хорижникидан қолишмайди. Ушбу биржа савдолари биз учун янги ҳамкорлар топишда кўмак бермоқда.

Ярмарка давомида иштирокчилар ҳеч қандай тендер танловисиз буюртма шартномаларини имзолаш ва маҳсулот харид қилиш имкониятидан кенг фойдаланишди.

Кооперация биржаси савдоларида умумий қиймати 30 миллиард сўмликдан ортиқ 550 та келишувга эришилди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Оилаларни мустаҳкамлашда маҳалланинг ўрни

*"Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан оила институтини мустаҳкамлаш, уни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг устувор вазифаларига бағишланган анжуман ўтказилди. Тадбирда ҳамкор ташкилотлар вакиллари, пойтахт ва Тошкент вилоятидаги фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда маслаҳатчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.*

ТАДБИР

Таъкидланганидек, юртимизда оилаларни мустаҳкамлаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш борасида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, унинг ҳудудий тузилмалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, шу йилнинг биринчи чораги мобайнида ҳамкор ташкилотлар кўмагида маҳаллаларда эрта никоҳнинг салбий оқибатлари, ажралишларнинг олдини олиш, никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича 75 мингга яқин тарғибот тадбирлари ташкил қилинди. Уларда 4 миллиондан ортиқ киши иштирок этди. Фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги "Ота-оналар университетлари" томонидан ота-оналарнинг ёш авлодни тарбиялаш бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини ошириш мақсадида уюштирилган тадбирлар ҳам оилаларни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутмоқда. Шунга мос ҳолда, "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлиги доирасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилди.

Анжуманда фуқаролар йиғинлари диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг шу даврдаги фаолиятига ҳам эътибор қаратилди. Улар томонидан 2,5 миллиондан ортиқ оилаларнинг ижтимоий-маънавий ҳолати ўрганилиб, зарур тавсиялар берилгани қайд этилди. Энг муҳими, бу борадаги саъй-ҳаракатлар натижасида бир қанча оиладаги низоларнинг олди олинди, 50 мингдан зиёд оилаларга моддий ёрдамлар кўрсатилди, 60 мингга яқин кишининг ишга жойлашишига кўмаклашилди. Шу билан бирга, кам таъминланган оилалар фарзандларининг никоҳ ва суннат тўйларини ўтказишда ёрдам берилди. Ушбу мақсадлар учун Фонд ҳисобидан 70 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижроси доирасида рўёбга чиқарилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида ҳам сўз борди. Айтиб ўтилганидек, Иккинчи жаҳон урушининг 109 нафар қатнашчисига мамлакатимизда ишлаб чиқарилган телевизорлар топширилди. Хотира ва Қадрлаш куни арафасида яна 400 нафарга яқин уруш иштирокчиси шундай ғамхўрликдан баҳраманд бўлади. "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида 1230 нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийси, пенсионер ҳамда ногиронларга уй-рўзғор буюмлари, кийим-кечак маҳсулотлари тарқатилди. 62 нафар ногирон ва боқувчисини йўқотган талабаларнинг эса ўқув-шартнома пулларини тўлашда амалий ёрдам берилди.

Тадбирда ёшлар тарбияси, эрта никоҳ ва оилавий низоларнинг олдини олиш, бу борада Фонд, унинг ҳудудий тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган устувор вазифалар, шунингдек, мутасадди ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, йиғинларда фаолият олиб бораётган жамоатчилик тузилмалари ишини бугунги кун талаблари даражасида такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ТАСАРРУФИДАГИ
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН САНЪАТ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ



2015/2016 ўқув йилига 2008 йилда туғилган иқтидорли ўғил ҳамда қиз болаларни
ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА МУСИҚА ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА
танлов асосида ўқишга қабул қилади.

Аризалар 2015 йил 11 майдан 30 майгача қабул қилинади.
Қабул имтиҳонлари 1 июндан бошланади.

Манзилимиз: 100152, Тошкент ш., Учтепа тумани, 22-квартал, 1-«А» уй.
Автобуслар: 2, 8, 33, 41, 77, 87, 135, 141. Йўналишли таксилар: 18, 127, 128, 182.
Телефонлар: (0-371) 274-92-21, 274-96-45, 274-96-44.

634R/624 от 2014г.



9 май — Хотира ва Қадрлаш куни!



*Саодатли, фараҳбахш кунлар ҳамда мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун жонфидо этган буюк аждодларимиз, ота-боболаримиз ва ҳамюртларимизнинг жасорати, матонати олдида доимо таъзимдамиз.*

*Бугун ҳам сафларимизда бўлиб, ёшларга ҳаёт сабоқларини бераётган азиз фахрийларга мустаҳкам соғлиқ, хонадонларига фаровонлик ва осойишталик тилаймиз.*

*Осмонимиз мусаффо, Ватанимиз обод, тинчлигимиз барқарор бўлсин!*

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ жамоаси.

659R/350


ЭЪЛОНЛАР


«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Сирдарё вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти Хўжалик судининг 2011 йил 14 февралдаги 12-1111/921 (27.1)-сонли ва 2012 йил 6 сентябрдаги 12-1206/3664 (27.1)-сонли ижро варақаларига асосан, Сирдарё тумани, «Малик уруғчилик чигит» МЧЖдан қарзни ундириш эвазига хатланган, Сирдарё тумани, «Малик» СИУ ҳудудида жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар бошланғич баҳоси арзонлаштирилган ҳолда, такроран қўйилмоқда:
* 0012-литердаги майдони 899,1 кв.м. бўлган омборхона.
***Бошланғич баҳоси — 289 477 527 сўм.***
* 0013-литердаги майдони 792,36 кв.м. бўлган омборхона.
***Бошланғич баҳоси — 255 152 674 сўм.***
* 0014-литердаги майдони 1030,9 кв.м. бўлган омборхона.
***Бошланғич баҳоси — 331 985 338 сўм.***
* 0015-литердаги майдони 1339,56 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехи.
***Бошланғич баҳоси — 301 789 663 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг 2014 йил 5 февралдаги 2-01/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Малик» СИУ ҳудудида жойлашган, «Safoand marva» МЧЖга тегишли бино-иншоотлар ичидаги ускуналари билан мулкий мажмуа сифатида, бошланғич баҳоси арзонлаштирилган ҳолда, такроран қўйилмоқда.
***Бошланғич баҳоси — 508 994 526 сўм.***

**3.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг 2014 йил 5 февралдаги 2-01/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Малик» СИУ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 8756,16 кв.м. бўлган иссиқхона иситиш мосламаси билан бошланғич баҳоси арзонлаштирилган ҳолда, такроран қўйилмоқда.
***Бошланғич баҳоси — 398 210 770 сўм.***

**4.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти Хўжалик судининг 2013 йил 18 апрелдаги 12-1306/2055-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Янги ҳаёт» СИУ, Охунбобоев кўчаси, 1-уйда жойлашган, умумий майдони 1139,0 кв.м.дан иборат, «Дони» хусусий фирмасига тегишли бино-иншоотлар бошланғич баҳоси арзонлаштирилган ҳолда, такроран қўйилмоқда.
***Бошланғич баҳоси — 485 230 031 сўм.***

**5.** Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти Хўжалик судининг 2012 йил 23 ноябрдаги 12-1207/15633-сонли ижро варақаси ва 2013 йил 31 январдаги 12-1306/1028 (27.1)-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Ўзбекистон» СИУ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 6,0 гектардан иборат «Файз-2003 йил» МЧЖга тегишли чорвачилик фермаси бино-иншоотлари бошланғич баҳоси арзонлаштирилган ҳолда, такроран қўйилмоқда.
***Бошланғич баҳоси — 425 869 468 сўм.***

**6.** Аукцион савдосига Боёвут тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти Хўжалик судининг 2011 йил 9 декабрдаги 12-1101/14573 (27.1)-сонли, 2011 йил 9 декабрдаги 12-1101/14579 (27.1)-сонли, 2012 йил 13 апрелдаги 12-1201/5831(27.1)-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Боёвут-давсувмахсуспудрат» давлат унитар корхонасига тегишли, Сирдарё вилояти, Учтурғон маҳалласи, Усмон Носир бўлими ҳудудида жойлашган, ер майдони 35527,0 кв.м., қурилиш майдони 3535,61 кв.м., фойдаланиш майдони 3481,29 кв.м. бўлган 0022-литердаги фойдаланишга яроқли идора ва ёрдамчи бинолар бошланғич баҳоси арзонлаштирилган ҳолда, такроран қўйилмоқда.
***Бошланғич баҳоси — 359 816 837 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 26 май куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 22 май куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефон: (0-367) 226-38-91. Расмий сайт: www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

657R/02


ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

## Зарар миқдори номаълум

***Италиянинг Рим шаҳридаги "Фьюмичино" аэропорти учинчи терминалида ёнғин содир бўлди.***

Ушбу кўнгилсиз воқеа оқибатида уч киши тан жароҳати олган. Аэропорт фаолияти вақтинча тўхтатиб қўйилган. Ёнғин қанча миқдорда моддий зарар етказгани ҳақида маълумот йўқ.

## Компанияни сотиб олади

***Мексиканинг "Alfa Sab de CV" ҳамда "Harbour Energy" компаниялари биргаликда нефть ва газ соҳасида фаолият олиб борувчи "Pacific Rubiales Energy" компанияси (Канада)ни сотиб олишга қарор қилди.***

Ушбу келишув 4,97 миллиард АҚШ долларига баҳоланмоқда.

"Pacific Rubiales Energy" Лотин Америкасидаги йирик мустақил компаниядир. Сўнгги вақтларда унинг бизнеси юришмаяпти. Бунга ўтган йилнинг ёзидан бери нефть нархи тушиб бораётгани сабаб бўлмоқда. Айни шу омил туфайли компания акциялари қиймати 80 фоизга пасайган.

## Тежамкорлик ва даромад

***Германиянинг "Siemens" компанияси мавжуд иш ўринлари сонини 4,5 мингтага қисқартиришни режалаштирмоқда. Бунга унинг даромади камайиб кетгани сабаб қилиб кўрсатилаяпти.***



— Компаниямизни реструктуризация қилиш жараёни якунланди, — дейди "Siemens" ижрочи директори Жо Кайзер. — Фаолиятимиздаги рентабеллик даражаси шуни кўрсатмоқдаки, харажатларни янада камайтириш мақсадида биз қўшимча чора-тадбирларни татбиқ этишимиз зарур.

Германия компанияси олдинроқ 7,4 минг нафар ходим ишдан бўшатилишини билдирган эди.

## Торнадо оқибати

***АҚШнинг Оклахома штатида торнадо содир бўлди. Оқибатда ўн икки киши тан жароҳати олди. Улардан икки нафарининг аҳволи оғирлиги айтилаётир.***

Табиат ҳодисаси штатнинг Оклахома-Сити шаҳрида кузатилган. Маҳаллий ОАВ хабарига кўра, мазкур ҳудудда торнадо бўлиш эҳтимоли олдиндан маълум бўлган. Шу боис маҳаллий аэропортда эвакуация тадбирлари олиб борилган.



***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

O'ZSANOATQURILISHBANK

Мамлакатимиз мустақил тараққиётининг йигирма тўрт йиллик даврида ҳаётга татбиқ этилган ислоҳотлар мазмун-моҳиятига назар ташласак, Ватанимиз ободлиги, фуқароларимиз турмуш даражасини янада яхшилаш борасида нечоғли улкан ишлар амалга оширилаётганига амин бўламиз.

Дарҳақиқат, Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган, “ўзбек модели” деб ном олган миллий тараққиёт йўлимиз нақадар тўғри экани амалда қайта ва қайта ўз исботини топмоқда. Яъни маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бошқарувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнида тадрижий ёндашувни, “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг” деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда, ислоҳотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танлаганимиз улкан марраларни эгаллашимизда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилаётир. Жумладан, кенг қамровли ислоҳотлар туфайли юртимиз молия-банк тизимида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилаяпти. Бу юртимиздаги етакчи молия муассасаларидан бири — “Ўзсаноатқурилишбанк” жамоаси амалга ошираётган ишларда ҳам ўз ифодасини топмоқда.



# САЛОҲИЯТЛИ, ИШОНЧЛИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ

## “Ўзсаноатқурилишбанк” жамоаси мижозларнинг ана шундай юксак эътирофига сазовор бўлиш учун астойдил фаолият кўрсатмоқда.

### Ислоҳотлар ва изчил ривожланиш

“Ўзсаноатқурилишбанк” — кўп йиллик тарихга эга. Аммо мустақиллигимиз шарофати билан ушбу банк мамлакатимиз молия бозорида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлди.

Зеро, ҳозирги кунда у йирик универсал банк сифатида иқтисодиётнинг барча тармоғига, хусусан, саноат, қурилиш, транспорт, алоқа ва таъминот корхоналари ҳамда ташкилотларига комплекс молия-кредит хизматларини кўрсатиб келмоқда. Ўз вақтида бутун фаолиятини фақат капитал қурилиш соҳасидаги сиёсатни амалга оширишга қаратган мазкур банкнинг бугун иқтисодий ҳаётимизда тутган ўрни ва салоҳиятини, очиғи, бир сўз билан ифодалаш қийин. Негаки, ўтган давр мобайнида банк тор доирадаги идоралар ва вакиллик пунктларидан мустақил мамлакатимизнинг йирик молиявий-иқтисодий муассасасига айланди.

“Вақт давомида синалган ишонч!” таърифига сазовор бўлган ушбу молия муассасаси ўзининг аҳил ва ташаббускор жамоаси кўмагида юздан ортиқ анъанавий ҳамда замонавий банк хизматларини кўрсатмоқда. Хусусан, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш, омонат қабул қилиш, кредитлар, кафолатлар бериш, аккредитивлар очиш, конверция ҳамда бошқа замонавий банк амалиётлари ана шундай хизматлар сирасига киради. Таклиф қилинаётган бундай кенг қамровли қулай хизматлар орқали “Ўзсаноатқурилишбанк” нафақат молия бозорида, балки миллий иқтисодиётимизда ҳам ўзининг мавқеини мустаҳкамлаб бораётир. Мижозлар ишончи янада ортиб, аҳоли орасида нуфузли молия муассасаси сифатида эътибор қозонаяпти. Шундан бўлса керак, бугунги кунда мамлакатимизнинг турли бурчакларида “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг 44 та филиали, 42 та минибанки, 55 та жамғарма, 47 та махсус кассаси ва 131 тўлов шохобчаси фаолият кўрсатмоқда. Унинг мижозлари сони ҳам бир миллиондан ошиб кетди.

Табиийки, бундай кенг кўламли фаолият банкнинг молиявий барқарорлигида муҳим ўрин тутади, албатта. Муассасанинг жорий йил январь ойи ҳолатига кўра, Низом жамғармаси 613,9 миллиард сўмни ташкил қилди. Жами кредит қўйилмалари миқдори қарийб 6,1 триллион сўмга тенг бўлди. Ўтган йилда 52,3 миллиард сўм фойда олинганлигининг ўзи банкнинг бекиёс қудратидан дарак беради. Истиқболда ушбу кўрсаткичларни босқичма-босқич кўпайтириб бориш режалаштирилган.

Банкнинг ўтган йилги фаолияти ҳам анча самарали кечди. Буни биз бир йилнинг ўзида дунёнинг икки энг нуфузли — “Fitch Ratings” ва “Standard & Poor`s” халқаро рейтинг агентликлари “Ўзсаноатқурилишбанк” фаолиятини ижобий баҳолаб, уни ишончли ва барқарор молия муассасаси сифатида қаторасига олтинчи бор эътироф этганлигида ҳам кўришимиз мумкин. Бу эса банкнинг жаҳон молия бозорида ҳам ўзининг муносиб ўрнини топишга интилаётганини англатади. Қолаверса, халқаро даражадаги эътирофга сазовор бўлиш банк фаолиятининг барқарор натижалари, даромад кўрсаткичларининг изчиллиги, мижозлар сонининг ошиб бориши, бой тажрибага эгалигининг ёрқин намойишидир. Бундан ташқари, халқаро эътироф “Ўзсаноатқурилишбанк”ка Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, UBS, “LandesBank Berlin”, Хитой Эксимбанки, KFW ва дунёнинг бошқа қатор нуфузли молия муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга кенг йўл очиб беради.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, жорий йилнинг февраль ойида базавий тармоқларнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун Германиянинг “Ландесбанк Берлин” ва “АКА” банкларининг ҳар бири билан 100 миллион евро маблағ жалб қилиш бўйича меморандум имзоланди.

Кичик бизнес субъектлари лойиҳаларини чет эл валютасида кредитлаш имкониятларини кенгайтириш учун Германиянинг “Коммерцбанк”идан жалб қилинган кредит линияси ҳажмини 25 миллион евродан 100 миллион еврога ошириш тўғрисида келишувга эришилди.

Мазкур келишувлар инвестиция кредитлари ажратиш ҳажмларини янада оширишга хизмат қилади.

### Кенг қамровли тадбирлар натижаси

Эл ишончи — олий саодат. Зеро, бугунги кунда “Ўзсаноатқурилишбанк” жамоасига эл-юрт ишонч билдираётганининг ўзи катта эътирофдир.

Аҳил ва ташаббускор жамоа бундан руҳланиб, кредит қўйилмалари бозоридаги муваффақиятли фаолиятини давом эттирмоқда. Бу орқали банк тадбиркорларни мақсадли молиявий қўллаб-қувватлаб, хизмат кўрсатаётган корхоналарнинг молиявий ҳолатини соғломлаштиришга кўмаклашаётир. Энг муҳими, банк иштирокида бугун қудрати ва нуфузи жиҳатидан дунёдаги энг йирик улкан иншоот — Сургил конида Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш, Қўнғирот сода ва Деҳқонобод калийли ўғитлар заводида ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш, Шўртан газ-кимё мажмуасида синтетик суюлтирилган ёқилғи ва парафин ишлаб чиқариш, Шўртан ва Алан конларида синов компрессор станциясини бунёд қилиш каби тараққиётимиз учун муҳим аҳамият касб этувчи кўплаб ноёб ва йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Табиийки, хўжалик субъектларини бу тариқа модернизациялаш, шу орқали иқтисодиётни юксалтириш нақадар аҳамиятли эканлиги хусусида алоҳида тўхталишнинг ҳожати бўлмаса керак. Бу, аввалambор, аҳоли бандлиги, унинг фаровонлиги, даромадларини ошириш, энг муҳими, ижтимоий масалаларни ҳал этиш демакдир. Шу ўринда тасаввур қилиш учун бир мисол. Банк Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи қурилиши лойиҳасини молиялаштириши эвазига минтақада ноёб ва ягона бўлган завод вужудга келмоқда. Минглаб қўшимча иш ўринлари яратилишини айтмайсизми?! Яна бир аҳамиятли жиҳати, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ғоят зарур маҳсулот билан таъминлабгина қолмай, балки юртимизнинг экспорт салоҳиятини ҳам ошириш имкониятини яратиб бераяпти.

“Ўзсаноатқурилишбанк” мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўтган йил давомида ушбу соҳага қарийб 650 миллиард сўмлик кредит маблағи ажратилди. Шунинг ҳисобига қўшимча 10 мингдан зиёд иш ўрни яратилди. Жорий йилнинг биринчи чораги давомида мазкур соҳага йўналтирилган 195 миллиард сўмлик кредит эвазига яна қўшимча мингдан зиёд киши иш билан таъминланди.

2014 йилда кичик бизнес субъектлари лойиҳалари бўйича 9 миллион доллар хорижий кредит линияларини ўзлаштириш белгиланган бўлиб, амалда 20 та лойиҳага 9,4 миллион доллар жалб қилинди. Хусусан, 6,1 миллион АҚШ доллари Германия банклари кредит линияси ҳисобидан, 3,3 миллион АҚШ доллари Хитой давлат тараққиёт банки кредит линияси ҳисобидан ўзлаштирилди.

Албатта, “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг кредит қўйилмалари бозоридаги фаолияти фақат шундангина иборат эмас. Айни пайтда банк ёш авлод, аёллар тадбиркорлиги, касаначилигу ҳунармандчилик, фермер хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан тортиб, уларнинг ҳаётий муҳим масалаларини ҳал этиш йўлида ҳам талай ишларни амалга оширмоқда. Биргина “Соғлом бола йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 70,1 миллиард сўмлик ипотека, 10,9 миллиард сўмлик истеъмол кредитлари ажратилгани банкнинг бугунимиз ва эртамизнинг ҳал қилувчи кучи ҳисобланмиш ёшларга бўлган эътибори нақадар катта эканини англатади.

Айни пайтда мазкур банк жамоаси мақсадли кредит қўйилмалари миқдорини янада кенгайтириш чораларини ҳаётга татбиқ этмоқдаки, булар тез орада бугунгидан-да салмоқли самаралар бериши, шубҳасиздир.

### Йирик инвестиция маркази

Давлатимиз раҳбари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида миллий банк тизими хусусида сўз юритар экан, тижорат банклари корхоналарнинг инвестиция лойиҳаларини жадаллаштиришда фаол қатнашаётгани, булар ундан манфаатдор экани, кредит ташкилотларини зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш жараёнига жалб қилиш тажрибаси амалда ўзини тўла оқлаётганини таъкидлаб ўтган эдилар.

**ФАКТ ВА РАҚАМЛАР**

*• Жаҳоннинг икки энг нуфузли — “Fitch Ratings” ва “Standard & Poor`s” халқаро рейтинг агентликлари қаторасига олти йилдан буён “Ўзсаноатқурилишбанк” фаолиятини муносиб баҳолаб, уни истиқболли, ишончли ва барқарор молия муассасаси сифатида эътироф этмоқда.*

*• Ўтган йили “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг умумий активлар миқдори 7,9 триллион сўмга тенг бўлди. Банкнинг кредит портфели ҳажми 6,1 триллион сўмга етди.*

*• Банк мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада оширишда муҳим аҳамият касб этувчи ўнлаб йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда фаол иштирок этмоқда.*

Аслида ҳам шундай. Биргина ўтган йили “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини ишончли молиявий ва инвестицион ҳамкори сифатидаги самарали фаолияти бунинг ёрқин далилидир. Чунки банк ўтган йилнинг ўзида мамлакатимиз иқтисодиётига 1 триллион 230 миллиард сўмлик инвестиция кредитлари ажратди.

Президентимизнинг “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан банк балансига олинган банкрот корхоналарда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича фаолиятини такомиллаштириш, шу билан бирга, лойиҳавий инвестициялаш ҳамда инвестициявий кредитлар беришнинг комплекс чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Шуниси қувонарлики, бугунги кунда собиқ 15 та банкрот корхона негизида ташкил этилган аксарият янги муассасаларда ишлаб чиқариш яна тўла йўлга қўйилди. Минглаб иш ўринлари яратилди. Дастлабки даромадларга ҳам эга бўлинди. Масалан, банкнинг иқтисодий ночор корхоналарни тиклашга доир йирик лойиҳаларидан бири Хоразм вилоятидаги собиқ “Туямўйинғишт” шўъба корхонаси базасида амалга оширилган эди. Қайта ташкил этилган “Хоразм брикс” масъулияти чекланган жамияти йилига миллион доналаб пишиқ ғишт ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлди. Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуни талабларига биноан, банк корхонанинг иш ҳақи ва бошқа биринчи даражали тўловлар бўйича қарзларини тўлаб берди. Керакли ҳажмда инвестиция киритилди. Шу тариқа бир вақтлар қарздорлик ботқоғига ботган, бутунлай хароб бўлган корхона конвейерларидан сифатли ғишт чиқа бошлади.

Банкрот корхоналар мол-мулки негизида 9 та янги корхоналар ташкил этилиб, улардан 7 тасида ишлаб чиқариш фаолияти тўлиқ тикланди. Ҳозирги вақтда ушбу корхоналар стратегик инвесторларга сотилган. “Fergana Ceramics Industry” МЧЖ ва “Horazm shisha idishlari” МЧЖда реконструкция қилиш ҳамда янги технологик линия ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

“Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан банкрот корхоналарни тиклаш ва модернизация қилиш ишларига жами 56,4 миллиард сўм, шундан 2014 йилда 8 миллиард сўм миқдорида пул кўринишида инвестиция киритилди, 1 422 та иш ўринлари яратилди ва 120,1 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Жумладан, 28 миллион АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспорт қилинди.

Табиийки, ҳар бир тижорат банки учун банкрот ҳолатидаги корхоналарни қабул қилиш осон иш эмас. Негаки, катта миқдордаги дебиторлик ва кредиторлик, қолаверса, иш ҳақидаги қарзларни тўлаш кўпчиликни ўйлантириб қўйиши мумкин. Устига-устак, янги замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш ўз-ўзидан амалга ошмаслиги ҳам барчага бирдек равшан. Бунинг учун банк етарли даражада капиталга эга бўлиши лозим. “Ўзсаноатқурилишбанк” — мамлакатимизнинг ана шундай молиявий жиҳатдан барқарор, йирик инвестицион марказларидан бири. Шу боис ҳам, мазкур банк киритаётган инвестициялар банкнинг ички манбаларини жалб этиш ҳисобига амалга оширилмоқда.

— Очиғи, ўша пайтда корхонанинг қайта оёққа туришига ишонмаган эдим, — дейди биз билан суҳбатда банкрот корхоналар негизида қайта ташкил этилган “Элит старс текстиль” раҳбари Йўлдош Матниёзов. — Эскирган дастгоҳлар, хароба аҳволдаги бино гўё энди ҳеч кимга керак эмасдек туюларди. Корхонанинг қайта оёққа туришига бўлган умид йўқ ҳисоби эди. Ҳозир эса ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизнинг ҳаммасини хорижга тўлиқ экспорт қилаётганимиз чинакам мўъжизадир.

Ҳақиқатан ҳам, излаганга имкон топиларкан. Банк жамоасининг ғайрат-шижоати, улар томонидан сарф қилинган катта миқдордаги сармоя, энг муҳими, давлатимиз раҳбарининг доимий қўллаб-қувватлаши ҳисобига корхоналарга янгича ҳаёт бахш этилмоқда. Биргина янгитдан ташкил қилинган Қорақалпоғистон Республикасидаги “Элит старс текстиль” масъулияти чекланган жамияти, ҳатто, ўз маҳсулотларини хорижга экспорт қилиш салоҳиятига ҳам эга бўлди. Ўтган йили мазкур корхонанинг 1 миллион 700 минг доллар қийматидаги калава ип маҳсулотлари хориж бозоридан жой топди. Бу мамлакатимизда ўтказилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг оддий бир ифодасидир. Банкнинг бу борада эришган ютуқларини истаганча келтириш мумкин.

### Тезкор ва замонавий хизмат

Сир эмас, кейинги вақтларда аҳолини биринчи даражали тўловлар билан таъминлаш, яъни иш ҳақи, пенсия ва турли нафақаларни вақтида эгаларига етказиш масаласи ўз ечимини топди.

Боиси — нақд пулнинг банкдан ташқари айланишини қисқартириш устидан қатъий назорат ўрнатилди. Бунда, айниқса, тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган тадбирлар яхши самара бераётир. Қолаверса, Президентимизнинг “Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори молия муассасаларининг ушбу йўналишда олиб бораётган саъй-ҳаракатларини янги сифат босқичига кўтарди.

Гапнинг рости, бир вақтлар оддий бир карточкага бутун жамғарма жойлаштирилиб, у орқали нафақат мамлакат, балки жаҳоннинг исталган жойида маблаққа эга бўласиз, дейишса кўпчилик ишонмасди. Бугун эса пластик карточкалар орқали нақд пулсиз муомаланинг амалга оширилиши оддий воқелик бўлиб қолди.

Шу маънода, “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг бу жабҳада кўрсатаётган хизматлари ҳам ривожланмоқда. Ҳозир қарийб бир миллион нафарга яқин киши мазкур банк пластик карточкаларидан фойдаланмоқда. Савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида ўрнатилган терминаллар сони қарийб тўққиз минг донага етди.

Яна бир янгилик. Банк ресурс базасини мустаҳкамлаш учун доимий равишда аҳолининг бўш пул маблағлари банк омонатларига жалб қилиб келинмоқда. Сўнгги икки йилда жисмоний шахслар учун миллий ва хорижий валюталарда 17 турдаги жозибадор омонатлар жорий қилинди. 2014 йилда “Ишончли даромад”, “Бинафша”, “Наврўз муборак”, “Коммунал тўловлар учун”, “Оила даромади”, “Ғунча”, “Муқаддас Ватаним”, “Шукрона”, “Ягонасан, Ватаним”, “Рағбат” ва “Жозиба” каби ўн битта янги омонат турлари амалиётга жорий этилди. Ҳозирги кунда аҳолига таклиф этилаётган омонатлар сони 28 тага етди.

2015 йил 1 январь ҳолатига кўра, миллий ва хорижий валютадаги аҳоли омонатлари ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 37,6 миллиард сўмга ошгани ҳолда 357,5 миллиард сўмни ташкил қилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, банк жамоаси мижозларга тезкор, аниқ ва сифатли хизмат кўрсатиш борасида жаҳоннинг энг нуфузли банклари билан ҳам бемалол рақобат қила олишини исботламоқда. Масалан, “Ўзсаноатқурилишбанк” пул ўтказмалари бозорида нафақат мамлакатимиз, балки халқаро миқёсда ҳам етакчи ўринда туради. Бугунги кунда банк ўз мижозларига бир вақтнинг ўзида “Interexpress”, “Blizko”, “Western union”, “Золотая корона” ва “UNIStream” каби халқаро пул ўтказмаларини тақдим қилмоқда. Бу эса банкка сайёрамизнинг турли минтақаларини қамраб олиш имкониятини яратиб, мазкур тизимлар фойдаланувчиларига қўшимча қулайликлар туғдираётир. Шу билан бир вақтда пул ўтказмаларининг тезкор амалга оширилиши, уларнинг хавфсизлиги ва юқори бўлмаган хизмат ҳақлари — мазкур тизимга эҳтиёж борлигини исботлади. Банк филиалларидаги жамғарма кассаларда амалга оширилаётган халқаро пул ўтказмалари аҳоли эътиборини қозонди. Натижада ушбу йўналишда олинган соф фойда ўтган йилда 3,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

**ФАКТ ВА РАҚАМЛАР**

*• Ўтган йилда мазкур молия муассасаси мамлакатимиз иқтисодиёти учун ажратган кредитлари нафақат корхоналарнинг юксалиши, балки халқимиз фаровонлиги ва Ватанимиз ободлиги йўлида бекиёс улуш бўлди.*

*• 2014 йил давомида биргина кичик бизнес субъектларига ажратилган қарийб 650 миллиард сўмлик кредитлар эвазига 10 мингдан зиёд иш ўрни яратилди.*

*• Ушбу молия муассасаси доимий равишда ўсиб борувчи барқарор мижозлар базасига эга бўлиб, айни пайтда 1 миллиондан ортиқ юридик ва жисмоний шахслар билан иш олиб боради.*

*• Банкнинг Низом жамғармаси шу йилнинг январь ойи ҳолатига кўра, 613,9 миллиард сўмни ташкил қилди.*

Бундан ташқари, банк мижозларга янада қулайлик яратиш ва ишончли хизмат кўрсатиш йўлида энг сўнгги замонавий технологияларни жорий қилмоқда. Хусусан, банкда мижозларга масофадан туриб кўрсатиладиган ўнлаб хизмат турлари — “Банк — мижоз”, “Интернет-банкинг”, “SMS-банкинг” каби қатор дастурлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мижозлар сонининг ошишига хизмат қилаяпти.

Бундан кўриниб турибдики, банк ўзининг кенг қамровли хизматлари билан аҳолининг молия муассасаларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаб, иқтисодиёт тармоқларини молиялаштириш учун мустаҳкам ресурс базасини кенгайтираяпти, пул оқимларини банк айланмасига кўпроқ жалб этишга ҳаракат қилаяпти.

### Устувор вазифалар ижроси йўлида

Маълумки, акциядорларнинг умумий йиғилиши акциядорлик банклари бошқарувининг олий органи ҳисобланади. “Ўзсаноатқурилишбанк” ўз акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишида фаолиятнинг барча йўналиши бўйича барқарор кўрсаткичларга эришган ҳолда етиб келди.

У мамлакатимиздаги қудратли, салоҳиятли ва ишончли универсал тижорат банкларидан бири сифатида юртимиз молия бозоридаги етакчилик мавқеини янада мустаҳкамлаб бормоқда.

Аммо бугунги кунда қилинган ишларга холис, танқидий ва таҳлилий нуқтаи назардан қараш, истиқболни ўйлаб, дадил ва ишонч билан қадам ташлаш, эришилган ютуқлар билан кифояланмасдан, янада истиқболга интилиш зарурлигини даврнинг ўзи тақозо этаётир. Президентимизнинг 2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида банк тизимини янада такомиллаштириш билан боғлиқ қатор долзарб вазифалар белгилаб берилди. Қолаверса, Юртбошимиз таклифи билан 2015 йил юртимизда “Кексаларни эъзозлаш йили” деб номланди. Унга биноан Давлат дастури қабул қилинди. Табиийки, бу ҳаётий долзарб, мамлакатимиз тараққиётини белгилаб берувчи вазифалар “Ўзсаноатқурилишбанк” фаолиятида ҳам дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, банк миллий молия тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиётнинг аниқ тармоқларига инвестицияларни кўпроқ жалб этиш, саноатни модернизация қилиш жараёнида фаол қатнашиш ва шу орқали мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада оширишни ўзининг устувор мақсадларидан бири деб, билади. Шундай экан, “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг бутун фаолияти давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ўз келажагини ўз қўли билан яратаётган бағрикенг халқимизнинг фаровонлиги, буюк ва мустақил Ватанимизнинг тараққиёти, ободлиги йўлида олиб борилаётган эзгу ҳамда кенг қамровли ислоҳотларга қаратилаверади.

**Фурқат САНАЕВ** тайёрлади.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 567. 119 619 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5